

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ ЗАРУРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Рахимова Гулсун Йўлдошевна,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
E-mail: gulsunrahimova9@gmail.com

Аннотация (ўзбек тилида) Мақолада акциядорлик жамиятларининг тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми ва иқтисодиётдаги аҳамияти кенг қамровли ёритилган. Акциядорлик жамиятларининг ривожланган ҳуқуқий тартиботлардаги намуналари, хусусан, Англия, АҚШ, Франция ва Италия қонунчилигидаги ўзига хос хусусиятлар таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунтирилган. Шунингдек, жамият фаолиятини ташкил қилиш ва капитални жалб қилиш жараёнлари чуқур таҳлил қилинган. Мақолада акциядорлик жамиятларининг аҳамиятли жиҳатлари, жумладан, инвестициялар жалб қилиш имкониятлари, профессионал бошқарув тизими, йирик ишлаб чиқариш ташкил этиш, инновацияларни жорий қилиш, фуқароларни иш билан таъминлаш ва фойда олиш жараёнлари ҳам ёритилган. Хусусан, акциядорлик жамияти фаолиятининг узок муддатли ва барқарор ривожланишга қаратилганлиги унинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан устунлигини кўрсатади. Мақоладаги таҳлиллар асосида акциядорлик жамиятларининг замонавий иқтисодиётдаги жуда муҳим ўрни ва ривожлантириш зарурати ифодаланган.

Аннотация (на русском языке) Статья охватывает понятие акционерных обществ, их правовой статус и роль в экономике. Подробно рассмотрены примеры акционерных обществ в правовых системах развитых стран, таких как Англия, США, Франция и Италия, с акцентом на особенности их регулирования. Уделено внимание правовым основам акционерных обществ в соответствии с Гражданским кодексом Республики Узбекистан и Законом «Об акционерных обществах и защите прав акционеров». В статье анализируются аспекты организации деятельности и привлечения капитала акционерными обществами. Выделены ключевые преимущества акционерных обществ, включая возможность привлечения инвестиций, профессиональное управление, организацию крупного производства, внедрение инноваций, создание рабочих мест и получение прибыли. Отмечается, что деятельность акционерного общества ориентирована на долгосрочное и устойчивое развитие, что выделяет его среди других организационно-правовых форм. Анализ показал, что акционерные общества имеют ключевое значение в современной экономике, а также обоснована необходимость их дальнейшего развития.

Annotation (in English) The article explores the concept of joint-stock companies, their legal status, and their significance in the economy. It examines examples of joint-stock companies in developed legal systems, such as those in England, the USA, France, and Italy, highlighting their specific regulatory features. The legal foundations of joint-stock companies under the Civil Code of the Republic of Uzbekistan and the Law "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights" are thoroughly explained. The article delves into the organization of activities and capital-raising processes by joint-stock companies. Key advantages of joint-stock companies are identified, including the ability to attract investments, professional management, the organization of large-scale production, the introduction of innovations, job creation, and profit generation. It is noted that the operations of joint-stock companies are geared toward long-term and sustainable growth, distinguishing them from other organizational and legal forms. The analysis demonstrates the critical role of joint-stock companies in the modern economy and substantiates the need for their further development.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, юридик шахс, қимматли қоғозлар, устав фонди, чекланган жавобгарлик, ташкилий-ҳуқуқий шакл, инвестиция, корпоратив муносабатлар, капитал жалб қилиш, даромад

Ключевые слова: акционерное общество, юридическое лицо, ценные бумаги, уставной фонд, ограниченная ответственность, организационно-правовая форма, инвестиции, корпоративные отношения, привлечение капитала, прибыль

Keywords: joint-stock company, legal entity, securities, charter fund, limited liability, organizational-legal form, investments, corporate relations, capital attraction, profit

Масъулияти чекланган юридик шахсинг акциядорлик жамияти сифатидаги шакли (fr. anonyme - SA, ital. per azioni - SPA, nem. Aktiengesellschaft - AG) барча ривожланган ҳуқуқий тартиботларга маълум. Англияда бу шаклга оммавий компания (ing. public company) мос келади, АКШда – оммавий корпоратция (ing. public corporation). Айрим мамлакатлар қонунчилигида акциядорлик жамиятларини очик ва ёпиқ (Нидерландия, Финляндия) ларга бўлиш кўзда тутилган.

Франция ва Италия қонунчилиги акциядорлик жамиятларини оммавий обунага мурожаат қилувчи ва қилмайдиганларга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 йилда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида, акциядорлик жамиятига таъриф берилган ва унинг ҳуқуқий ҳолати тўлиқ ифодалаб ўтилган.

Унга кўра, устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян

миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзига хос хусусияти шундаки, чиқарилган қимматли қоғозлар - акцияларни жойлаштириш орқали устав фонди шакллантирилади. Акционерлик жамиятининг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар жамият акциядорлари бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятини битта таъсисчи ҳам (битта акциядори бўлган акциядорлик жамияти) ташкил қилиши мумкин.

Акциядорлик жамият устави АЖнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин.

Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Жамиятнинг жойлашган ери, агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида

юримдик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

Капиталнинг жамланиши ва акциядорларнинг ўз улуш бадалларини эркин тасарруф этиши акциядорлик жамиятларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 64-моддасида акциядорлик жамияти ҳақида тушунча берилган, унга кўра,

устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлик жамияти ҳисобланади; акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамиятининг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий мавқеи ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Акциядор жамият акцияларининг эгаси бўлади, лекин жамият билан шартнома тузмайди, балки у билан мураккаб ва комплекс бўлган корпоратив муносабатлар иштирокчисига айланади.

Акциядорлик жамиятлари бир неча асрлар давомида тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида юзага келган бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Аниқроғи, акциядорлик жамиятлари – йирик капитални бирлаштиришнинг ҳуқуқий шаклидир.

Фуқаролик кодексининг 58-моддасига кўра, улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари сифатида тан олинади.

Лекин шуниси муҳимки, акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолияти биринчи навбатда жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Шундай экан, даромад олиш ундан ҳам олий мақсад – эҳтиёжларни қондиришга бўйсунган бўлади. Эҳтиёжлар қондирилмаса, даромад ҳам бўлмайд.

Акциядорлик ишининг моҳияти олинган даромадни қайта инвестиция қилиш орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида, инвесторлар (акциядорлар)нинг воситаларини жалб этишдан иборатдир.

Фуқаролик кодексининг 58-моддасини ўн биринчи қисмига кўра, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (акциядорлик жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

Акциядорлик жамиятининг асосий устунлиги унинг йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги роли ҳисобланади. Шунингдек, жамият фаолиятининг барқарорлиги ҳам устунликнинг бир кўриниши бўлади.

Акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий натижаси бу даромад ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида ҳам акциядорлик жамиятларининг ўрни катта. Акциядорлик жамиятлари мулкчилик шаклидаги корхоналар ичида фаолият кўлами, савдо айланмаси бўйича энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш, халқаро молиявий муносабатларни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Акциядорлик жамиятида таъсисчи ва акциядорлар сони чекланмайди.

Акциядор жамиятдан чиқиб кетаётганда ўзига тегишли акцияни бошқа шахсга сотади ва ўз улушини олади, бироқ жамиятдан ҳеч қандай мол-мулк талаб қилмайди.

Акциядорлик жамиятида иштирокчиларнинг мажбуриятлар бўйича жавобгарлигининг индивидуал кўриниши мавжуд, яъни агар жамият зарар кўрадиган бўлса, акциядор фақат акция сотиб олиш учун сарфлаган маблағини йўқотади, зарар учун у жавобгар бўлмайди.

Шу сабабли ҳам айтиш мумкинки, акциядорлик жамияти иштирокчиларининг чекланган жавобгарлиги, бундан ташқари иштирокчиларнинг акцияларни сотиб юбориш йўли билан акциядорлик жамиятидан исталган вақтда эркин равишда чиқиб кетиши жамиятга капитал жалб этишни осонлаштиради. Акциядорнинг мулки билан акциядорлик жамиятининг мулки бир-биридан ажратилган бўлади. Шу сабабли акциядорнинг қарзлари юзасидан жамият мулки билан жавоб бермайди, фақат акциядорнинг акциясига қаратилиши мумкин. Акциядор жамият бошқарувида иштирок этмайди. Жамият махсус билим ва малакага эга бўлган шахслар томонидан бошқарилади.

Акциядорлик жамиятлари акциялар чиқариш орқали қисқа муддатда катта миқдорда пул маблағлари жалб қилиш ва кенг кўламли бизнес фаолиятини юритиш имконини беради.

Акциядорлик жамиятлари юридик шахсни таъсис этиш ёки қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) йўли билан ташкил этилиши мумкин.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари бизнес соҳасининг жуда керак шакли ҳисобланади. Унинг зарурлиги иқтисодиётни юқори ўсиши, йирик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни амалга ошириш, фан-техника тараққиётини янада юксалтириш, қўшимча акциялар ҳисобига капитал жалб қилиш, кенг кўламли бизнес фаолиятини юритиш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқаро молиявий муносабатларни амалга ошириш, энг асосийси фойда олишда кўринади.

Акциядорлик жамиятларининг зарурлигини умумлаштириб, куйидагиларни айтиш мумкин:

1. Акциядорлик жамиятлари акция чиқариш орқали қисқа вақтда катта миқдорда пул маблағларини жалб қилиш имкониятини беради. Бундай имконият кенг кўламли бизнес фаолиятини юритишга йўл очади. Акциядорлик жамиятларида устав капитали ҳам, акциядорлар сони ҳам чекланмаган.

2. Акциядорлик жамиятлари катта миқдордаги капитални жалб қилади. Бу фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш имкониятини беради.

3. Акциядорлик жамиятлари маҳсулотларга нисбатан харажатларни пасайтириш, хомашё ва материалларнинг йирик захирасига эгалик қилиш, қулай фоизларда кредитлар жалб қилиш, инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби имкониятларга эга бўлади.

4. Акциядорлик жамиятлари акциялар чиқариш билан бирга қимматли қоғозлар чиқариш орқали ҳам капитал жалб қилиш имкониятини беради.

5. Акциядорлик жамиятларининг мулки акциядорлар мулкидан ажратилган бўлади. Акциядор маъқул риск даражасини ўзи белгилайди, банкротликда акцияга киритган капиталини йўқотади.

6. Акциядорлик жамиятидан акциядорнинг чиқиши жамият фаолиятини тўхташига олиб келмайди.

7. Акциядорлик жамиятининг фаолияти узоқ ва чегараланмаган бўлади.

8. Акциядорлик жамиятларида жамланган капитални бошқариш профессионал даражада амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 йилда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

3. Б.Умаров, Х.Атажанов “Корпоратив ҳуқуқ” (Ўқув қўлланма). Тошкент давлат юридик университети, 2021 й. 69-бет.

4. Ҳ.Р.Раҳмонкулов С.С.Гулямов “Корпоратив ҳуқуқ”. Тошкент Давлат юридик институти, 2006 й. 104-105-бетлар.